

Н.Н. Обломуродов, доц.,
Д.А. Тошпулатов, ассистент, ТМИ

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КРЕДИТ ПОРТФЕЛИ ТАҲЛИЛИ ВА СИФАТИНИ ОШИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

В статье рассмотрены роль анализа и аудита в обеспечение роста и повышение качества кредитного портфеля, соблюдение требований и норм действующего законодательства в процессе кредитования, диверсификации рисков, а также обеспечение рентабельности и эффективности банковской деятельности.

The article describes the role of analysis and audit in ensuring growth and quality of loan portfolio of banks, compliance with the requirements of legislation in lending process, diversification of risks, achieving profitability and efficiency of banking activities.

Калитли сўзлар: банк, кредит, кредит портфели, риск, кредит сиёсати, аудит, таҳлил, диверсификация, гаров, кафолат ва бошқалар.

Тижорат банкларининг инвестициявий фаоллигини кучайтириш, инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда тижорат банклари иштирокини янада кенгайтириш, лойиҳаларни экспертиза қилиш ва хатарни баҳолаш тизимини такомиллаштириш, кредитлар бўйича муаммоли қарзларнинг ҳосил бўлишига йўл қўймаслик борасида олдини олиш чораларини кўриш йўли билан тижорат банкларининг кредит портфели муттасил ўсиши ҳамда сифати яхшиланишини таъминлаш 2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини оширишнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган[1].

Ўзбекистон Республикасида банклар банк операцияларини амалга оширишга доир қарорлар қабул қилишда мустақил бўлиб, ўрнатилган тартибда кредит сиёсатини ишлаб чиқади ва амалга оширади. Банк кредит сиёсатининг мақсади кредитлаш жараёнида амалдаги қонунчилик талаблари ва меъёрларига риоя этиш, кредит сиёсати ва кредитлаш тартибларининг бир хиллигини кафолатлаш, таваккалчиликларни мунтазам равишда диверсификациялаш, банк кредит портфели сифатини яхшилаш ва кредитлаш жараёнини тўғри амалга ошириш орқали банк фаолиятининг фойдалилиги ва самарадорлигини таъминлашдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2000 йил 22 февралда тасдиқланган “Тижорат банклари кредит сиёсати нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги 429-сонли низомга мувофиқ банклар кредит портфелини баҳолашга жавобгар бўлган мансабдор шахсларни белгилаш ҳамда кредит портфели сифатини аниқлаш ва тузатишлар минимал юзага келувчи йўқотишлар билан амалга оширилиши учун муаммоли кредитларни аниқлаш учун зарур бўлган ички банк кредит таҳлили мақсадларини белгилаб қўйиши лозим[2].

Амалдаги қонунчиликда банк кредит портфели мунтазам равишда таҳлил ва аудит қилиниши кўрсатиб ўтилган бўлиб, бунда кредит сифатини аниқлаш билан бир қаторда кредитлаш жараёнини бошқариш сифатини баҳолаш, жумладан, тасдиқланган кредит сиёсатига ва кредит ҳужжатларини расмийлаштириш жараёнларига, гаровни расмийлаштириш ва баҳолаш, кредитлашга доир ваколатларни тақсимлаш, қонунчилик меъёрларига риоя қилишга мувофиқлигини таъминлашга эътибор қаратилиши лозим.

Жаҳон банки таҳлилларига кўра, тижорат банкларининг кредитлар бўйича йўқотишларга таъсир этувчи омиллар қаторида муҳим ўринни ички омиллар эгаллайди. Хусусан, Европа банкларида кредит йўқотишларининг 67 фоизи айнан банкнинг ички омиллари сабабли юзага келади, ташқи омиллар эса бундай йўқотишларнинг 33 фоизини ташкил этади[3].

1-жадвал

Банк кредит портфелини таҳлил қилишнинг асосий босқичлари

№	Таҳлил қисмлари	Маълумотларнинг аниқроқ очиб берилиши
1	2	3
1	Кредитларнинг ҳолати бўйича таҳлили	Жорий, муддати ўтган, муддати узайтирилган, судга оширилган кредитлар, ўсиб бормайдиган статустдаги кредитлар, ҳисобдан чиқарилган кредитлар
2	Кредитларнинг муддати бўйича таҳлили	Қисқа муддатли, узоқ муддатли кредитлар, қайтариш муддати бўйича таҳлил, овердрафтлар
3	Иқтисодиёт тармоқлари бўйича таҳлили	Саноат, қишлоқ хўжалиги, кичик бизнес, савдо, давлат траншлари, микрокредитлар, ипотека ва истеъмол кредитлари
4	Фоиз ставкалари бўйича таҳлили	Имтиёзли, қайта молиялаштириш ставкаси даражасида, тижорат фоиз ставкалари, қатъий белгиланган, ўзгарувчан фоиз ставкалари
5	Таъминот тури бўйича таҳлили	Ишончли кредитлар, мулк гарови, учинчи шахс кафолати, кафолатланган кредитлар
6	Кредит сифати таҳлили	Яхши, стандарт, субстандарт, шубҳали, ишончсиз
7	Кредитларнинг манбаи бўйича таҳлили	Банкнинг ўз маблағлари, жалб қилинган маблағлар, хорижий кредит линиялари, бюджетдан ташқари фондлар маблағлари ҳисобидан
8	Кредитларнинг мақсади бўйича таҳлили	Тижорат, айланма маблағларни тўлдириш, инвестицион кредитлар ва ҳ.к.

Манба: Меъёрий ҳужжатлар таҳлили асосида тайёрланган.

Банк кредит портфели сифатини таъминлашнинг муҳим шarti мунтазам равишда аудит текширувининг ўтказилиши ҳисобланади. Банк сиёсатига мувофиқ кредит портфелининг ички ва ташқи аудит тузилмалари аудит текширувидан ўтказди. Банк кредит портфели аудитининг мақсади узоқ муддатли истикболда қуйидагилар ҳисобланади:

- активлар сифатини таъминлашни назорат қилиш, бунда кредит портфелида яхши кредитлар улуши 90 фоиздан кам бўлмаслиги, муддати ўтган кредитлар миқдорини минималлаштириш, кредит портфели таркибининг

тасдиқланган кредит сиёсатига мослиги (соҳалар, ҳудудлар ва муддати бўйича) каби масалаларни назорат қилиш;

- банк кредит сиёсати ва кредитлаш таомиллари шартларига риоя этилишини назорат қилиш;

- кредит амалиётлари даромади ва жорий фойдани банкнинг ривожланиши учун зарур бўлган даражада ушлаб туриш;

- республика иқтисодиёти реал секторининг ривожланишига банкнинг ижобий таъсирини кучайтириш, банкнинг узоқ муддатли ривожланишини кўзда тутиб қарз олувчи ва мижозларнинг молиявий ҳолатини мустаҳкамлаш[4].

2-жадвал

Кредит йўқотишларига таъсир қилувчи асосий омиллар

Ички омиллар	Улуши	Ташқи омиллар	Улуши
1	2	3	4
Таъминот етишмаслиги	22 %	Компанияни банкротлиги	12 %
Кредит аризаси таҳлил қилинганда нотўғри баҳолаш	21 %	Кредиторларни ҳақларини талаб қилишлари	11 %
Мижоз фаолиятини яхши ўрганмаслик	18 %	Оилавий муаммолар	6 %
Таъминотни ёмонлиги	5 %	Бошқа омиллар	4 %
Бошқа ички омиллар	1 %		
Жами	67%	Жами	33%

Манба: Жаҳон банки, [www. Worldbank.com](http://www.Worldbank.com).

Даромадлиликни таъминлаш мақсадидан келиб чиқиб, банк берилган кредитларнинг ўз вақтида қайтарилишини таъминлаш, тўлов муддати узайтирилган кредитлар салмоғини камайтириш, муддати ўтган ссудаларга йўл қўймаслик, кредит хатари даражасини пасайтириш ва қўйилган маблағлардан мумкин бўлган энг юқори даромадни олиш, кредит портфели таснифининг тўғрилигини аниқлаш, кредит ҳужжатларини расмийлаштиришга риоя қилиш, қарз олувчининг молиявий таҳлили сифатини ўрганиш, гаровни расмийлаштириш ва баҳолаш ҳолатини ўрганиш, филиаллар кредит комиссиялари томонидан ўз ваколатларига риоя қилинишини ўрганиш, қонунчилик меъёрларига риоя этилиши бўйича чоралар кўриш аудит текширувининг муҳим йўналиши ҳисобланади.

Аудит ва кредит портфели сифатини даврий баҳолаш аудиторлар билан биргаликда банк филиаллари кредит ходимлари томонидан амалга оширилади, улар ҳар бир кредит сифатини аниқлаш бўйича масъул ҳисобланадилар. Филиаллар раҳбарлари, ички аудиторлар, кредит бўлими бошлиқлари кредит ходимлари билан биргаликда кредит портфелини даврий баҳолаш учун масъулдирлар[5].

Кредит портфели таҳлилига асосланган ҳолда аудит муайян берилган кредитга банкнинг таваккалчилигини аниқлайди. Ушбу босқич алоҳида эътибор беришни талаб этади. Чунки аудиторлар таваккалчилик даражасига қараб аниқ кредитга нисбатан ҳисобланган захирани кўпайтириш ёки камайитиришга ҳақлидир, бу эса банк активининг сифатида ўз ифодасини топади. Қуйидаги жадвалларда келтирилган маълумотлар асосида “Асака” ДАТБнинг кредит портфелини таҳлили берилади.

Кредит портфелини тармоқлар бўйича диверсификациялаш даражасини ўрганишга аудитор алоҳида эътибор бериши керак. Фикримизча, кредит портфелини тармоқлар бўйича диверсификациялаш даражаси натижасида кредит портфели сифати яхшиланиши кузатилади.

3-жадвал

“Асака” ДАТ банки кредит портфелининг тармоқлар бўйича таснифланиши (млн. сўмда)

№	Кредитланган тармоқлар	31.12.2013		31.12.2012	
		сумма	улуши	сумма	улуши
1	2	3	4	5	6
1.	Саноат	1 877 694	60	1 523 948	59
2.	Савдо	455 388	15	291 479	11
3.	Жисмоний шахслар	209 376	7	180 254	7
4.	Коммунал хизмат	151 840	5	152 667	6
5.	Қишлоқ хўжалиги	128 721	4	33 609	1
6.	Қурилиш	118 175	4	60 184	2
7.	Транспорт ва алоқа	102 830	3	209 226	8
8.	Бошқалар	67 334	2	126 508	5
	Жами	3 111 358	100	2 577 875	100

Манба: Банкнинг 2012-2013 йиллар учун йиллик молиявий ҳисоботлари, www.asakabank.uz

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, кредитларнинг асосий қисми саноат ва савдо соҳаси кредитларига тўғри келади. Жумладан, 2013 йил 31 декабрь ҳолатига саноатга йўналтирилган кредитларнинг кредит қўйилмаларини умумий ҳажмидаги салмоғи 60 %ни ташкил қилади. Банкнинг 2013 йилга мўлжалланган кредит сиёсатида кредитларнинг битта соҳада тўпланиши кредит портфели умумий суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги кўрсатиб ўтилган. Кейинги ўринда савдо ва жисмоний шахсларга берилган кредитлар эгаллайди. Бошқа тармоқлар улуши анча паст бўлиб, кейинги даврларда ушбу йўналишларга эътибор кучайтирилса ўринли бўларди.

4-жадвал

**"Асака" ДАТ банки кредит портфелининг турлари бўйича таснифланиши
(млн. сўмда)**

№	Кредит турлари	31.12.2013		31.12.2012	
		сумма	улуши	сумма	улуши
1	2	3	4	5	6
1.	Корпоратив кредитлари	2 684 149	86	2 267 061	88
2.	Ипотека кредити	160 597	5	141 047	5
3.	Кичик бизнес кредитлари	37 259	1	11 872	0
4.	Истемол кредити	34 972	2	22 108	1
5.	Инвестицион кредитлар	194 381	6	135 787	5
	Жами	3 111 358	100	2 577 875	100

Манба: Банкнинг 2012-2013 йиллар учун йиллик молиявий ҳисоботлари, www.asakabank.uz

Шуни кўрсатиш ўринлики, кредитларнинг асосий қисми корпоратив кредитлар ҳиссасига тўғри келади. Жумладан, 2013 йил 31 декабрь ҳолатига корпоратив кредитлар жами кредит портфелининг 86 %ни ташкил қилади. Бошқа кредит турларининг улуши унча юқори эмас, жумладан, ипотека кредитлари, кичик бизнесга йўналтирилган кредитлар ва истемол кредитларининг салмоғи жами кредит портфелининг 8 %ни ташкил этади.

Кредит портфелининг ҳолатини таҳлил қилишда аудитор кредит бериш билан боғлиқ бир нечта кўрсаткичларни, яъни берилган кредитнинг ўзига хос хусусияти, унинг таъминланиши, фоизларнинг тўғри ҳисобланиши ва ўз вақтида даромад ҳисобварақларига олиниши, қайтарилиш муддатлари ва ҳоказоларни ўрганиши лозим.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, банклар активлари ва кредит портфели сифатини ошириш, улар фаолиятидаги таваккалчиликларни, жумладан кредит таваккалчилигини бошқаришни такомиллаштириш борасида қуйидаги масалаларга эътибор қаратиш лозим:

- банк операцияларини ўтказишда операцион ва бозор таваккалчиликларини аниқлаш бўйича методик тавсияларни такомиллаштириш;

- кредитлар бўйича таваккалчиликларни ўз вақтида аниқлаш, сифатли баҳолаш ва бартараф этишга қаратилган замонавий ахборот технологияларига асосланган интеграциялашган риск менежмент тизимини қўллаш;

- кредит ташкилотлари ва уларнинг филиаллари фаолиятини тартибга солишда ички назорат тизими, жумладан, ички аудит ва мониторинг хизматларининг ролини кучайтириш;

- тижорат банкларида инвестицион лойиҳаларини экспертиза қилишда жараёнлар шаффофлигини ошириш, хусусан, лойиҳаларни амалга оширишга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган барча омиллар ва таваккалчиликларни ҳисобга олинишини таъминлаш;

- тижорат банклари бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботлар тизимини Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига тўлиқ мослаштириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Постановление Президента Республики Узбекистан «О приоритетных направлениях дальнейшего реформирования и повышения устойчивости финансово-банковской системы республики в 2011-2015 годах и достижения высоких международных рейтинговых показателей», №ПП-1438 от 26.11.2010 года.
2. «Положение о требованиях к кредитной политике коммерческих банков», утверждено Правлением Центрального банка Республики Узбекистан 22 февраля 2000 г. № 429.
3. Жаҳон банки, 2000 й. [www. Worldbank.com](http://www.Worldbank.com).
4. Каралиев Т., Файзуллаева М. Банковский аудит. Учебное пособие. – Т.: IQTISOD – MOLIYA, 2014.
5. Положение Центрального банка Республики Узбекистан «О порядке проведения аудита в коммерческих банках Республики Узбекистан» 2000 г. № 403.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, 1996 йил 25 апрель.
7. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, янги тахрирда 2000 йил 26 май.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йилнинг асосий яқунлари ва 2014 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. 2014 йил январь.
9. Абдуллаев Ё., Қоралиев Т., Тошмуродов Ш., Абдуллаева С. Банк иши. Ўқув қўлланма. – Т.: IQTISOD – MOLIYA, 2009.
10. 2013 йилда пул-кредит соҳасидаги вазият ва монетар сиёсатнинг 2014 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари. <http://www.cbu.uz>.
11. ДАТ «Асакабанк» кредит сиёсати ҳамда 2012-2013 йиллар учун молиявий ҳисоботлари, www.asakabank.uz.